

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ЎСМИРЛАР КАСАЛЛИКЛАРИ ДИНАМИКАСИ

Мирзалиев А.С., Анварова М.Д.

*Тибби ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириши маркази, педиатрия
кафедраси мустаққил изланувчилари*

Илмий раҳбар: Абдужабарова З.М. т.ф.д., доцент, Муллаева Л.Д. т.ф.д., доцент

Мавзунинг долзарблиги. 2010 йилдан 2020 йилгача 15-17 ёшдаги ўсмирлар ўртасида умумий касалланиш даражаси кескин ошди. Энг юқори кўрсаткичлар қуйидаги синфлар бўйича қайд этилган: неоплазмалар, туғма аномалиялар, юрак-қон томир тизими касалликлари, таянч-ҳаракат тизими ва бириктирувчи тўқималар касалликлари [Матвеев Э.Н. 2020]. Баъзи тадқиқотлар муаллифлари бу ходисани ўсмирлик давридаги стресснинг кучайиши, нотўғри овқатланиш, жисмоний фаолликнинг этишмаслиги ва мобил курилмалар экранларида ўтказиладиган вақтнинг кўпайиши билан боғлайди. Яқин келажақда миллат саломатлигини шакллантиришнинг асоси сифатида ўрганилаётган ёш гуруҳининг стратегик аҳамиятини англаш, ўсмирлар саломатлигини асраш энг муҳим вазифадир.

Тадқиқот мақсади Наманган вилоятидаги ўсмирлар орасида касаллик бўйича тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилиш частотасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Наманган вилоят болалар кўп тармокли тиббиёт марказида (ВБКТТМ) ретроспектив ва истикболли таҳлил ўтказилди. Тадқиқот объекти ВБКТТМ маслаҳат поликлиникасига мурожат қилган ва госпитализация қилинган беморлар анкетаси ва касаллик тарихидан олинган маълумотлар эди.

Тадқиқотлар натижаси. ВБКТТМ маслаҳат поликлиникасига 2021 йилда 87417 та, 2022й-97986та, 2023й-91833 та бемор мурожат қилган. Шулардан 2021й- 17061 (19,5%), 2022й- 25620 (26,1%) ва 2023 й 16910 (18,4%) та 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмир болаларни ташкил қилди. 2021 йил мурожат қилган ўсмирларнинг 635таси (3,7%) неврология, 481 таси (2,8%) пульмонология, 441 таси (2,6%) ўсмирлар гинекологияси ва 288 (1,7%), 327(1,9%), 316 (1,8%), 57 (0,33%) гастроэнтерология, кардиоревматология, гематология ва нефрология бўлимига госпитализация қилинган. 2022 ва 2023 йилда 802 таси (3,1%), 521(3,1%) неврология, 511 таси (2,0%), 463 (2,7%) гематология, 443 таси (1,7%), 385 (2,3%) ўсмирлар гинекологиясига, қолган 255-162 (1,7-1,0%), 343-541(1,3-2,2%), 260-351 (1,0-2,0%), 51-57 (0,2%) гастроэнтерология, пульмонология,

кардиоревматология ва нефрология бўлимига госпитализация қилинган.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, Наманган вилояти ўсмирлар орасида касалликлар тўлқинсимон кечаётганлиги аниқланди. Уч йиллик даврдаги касалликлар структурасида неврологик, гематологик, ўсмир қизлар гинекологик касалликлар кўрсаткичлари юқори эканлиги аниқланди.

Хулоса:

-Ўтказилган таҳлиллар натижасида йилдан йилга ўсмирлар орасида касалликлар сонининг ортиб бориши аниқланди.

-Ўсмирлар орасида неврологик, гематологик, ўсмир қизлар гинекологик касалликлар кўрсаткичлари юқори эканлиги аниқланди.

- Касалликлар кўрсаткичларининг юқорилиги сабабларини аниқлаш ва профилактик чора тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

Адабиётлар рўйхати

1. Рустамова, Х. М., Расулова, И. Р., Райимова, Н. Н., & Шахизирова, И. Д. (2022). Осложненный лангергансокеточный гистиоцитоз: клинический случай.
2. Рустамова, Х. М., Муллаева, Л. Ж., & Шахизирова, И. Д. НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ВЕДЕНИЯ ДЕТЕЙ С ГЕМАТО-ОНКОЛОГИЧЕСКИМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ, 81.
3. Джаббарова, И. (2024). Адаптационные возможности детского организма после перенесенной постковидной инфекции, in Library, 2(2), 79-85. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/33829>